

Oila va jamiyat

@oilavajamiatgazetasi_1

BUYUK ADABIYOT BUYUK DARDLAR HOSILASIDIR

Бугун инсон мураккаб-лашди. У жамият билан муросага келиш учун, ёки соддароқ айтганда, ундан ўз “улуш”ини ундириш учун минг бир қиёфага киради. Шундай экан, жамият талаблари билан ўйнаган “роллариға” эмас, унинг кўнглига чўкиб кўриш керак. Ижодкор фақат ижоддагина ўзининг “мен”ини кўрсата олади. Фақат ижод пайтидагина у ўзининг ҳақиқий “мен”ига киради. Шунинг учун ижодкорни унинг ижтимоий тармоқдаги (турмушдаги) гап-сўзларига, “персона” сифатидаги ўйинларига қараб эмас, унинг ёзганига қараб

“Adabiyot o'qilgan, ammo uqilmagani uchun ham bugun insoniyat bashariy muammolar bilan yuzma-yuz turibdi...”

Баҳолаш мақсадга мувофиқ деб ўйлайман. Ижод бу, файласуфлар таъкидлаганидек, “онг ости”нинг намоён бўлиши. Буни Навоий “кўнги́л туби” деб атаган. “Кўнги́л туби”ни алдаб бўлмайди. Шунинг учун ижодкорнинг қиёфаси, айтар сўзи,

бор аъмоли – бу унинг “кўнги́л туби”, “онг ости”, “подсознатель” ҳолати. Шундай экан, “кўнги́л туби”га чўкиб ёзилган ҳар бир гап ижодкорнинг ҳақиқий қиёфасидан дарак беради. Ижодкорнинг асл қиёфасини ёзган асарларига қараб



таниган маъкул. Қолаверса, бадиий асар уни дунёга келтирган шахс кўнглининг таржиман ҳоли. Ижодкорни билмоқчи бўлсангиз, унинг ёзганини чуқур ўрганинг. У ерда ҳаммасини топасиз...

»5

RUHIY ZO'RIQISHNING KELAJAKKA TA'SIRI

Аёл ҳаётда кўрган, ўзи гувоҳ бўлган ҳақиқатни келини ва ўғлида кўришни истамагани учун шу йўлни мақбул кўрди. Узоқ йиллар давомида рухий зўриқишлари унутилмаганлигидан ҳали ҳам азият чекаётган аёлга психологик ёрдам керак, деган хулосага келинди. Нозира опа билан психологик муолажалар узоққа чўзилмади. Келин уйга қайтди. Орадан 5-6 ойлар чамаси ўтганда марказимизга ташриф буюрган Нозира опанинг қувончи чексиз эди. “Дилдора ҳомиладор. Уч ойликдан ўтсин, ишончим комил бўлсин кейин сизларга раҳмат айтишга келаман дегандим, “— деди аёл қувонч ёшларини тия олмай.

»3

Kuchli onalar tarbiyalagan bolalar



Болалигимизда кўпчилигимиз пиёла ёки косани синдириб қўйсақ, уйда бирор ишқал чиқарсақ елка қисиб “мен билмадим, мен кўрмадим” деб қўяқолганмиз. Ёки ўзимиздан кичикларга тўнказганмиз.

Психологлар тилида биласизми бу қўрқоқлик ҳисобланади. Яна психологлар назарида КУЧЛИ

оналар фарзандларига айбани тан олиш ва қилган айби иши учун ўзи жавоб бериши, мардларча тан олиш келлигини ўргатишаркан.

Яъни психологлар ғурурга боғланиб қолмасдан ўз хатоларини тан олиш осон, деб ҳисоблашади. Чунки хато ишдан ҳам кўра, айтилган ЁЛФОН ёки ҚўРҚОҚлик қимматга тушади. Ахир мардликнинг бошланиши кичик хатоларнида тан олишдан бошланади... Айтайлик, мактабда кимдир ойнани синдириб қўйди. Агар оилада болага тўғри тарбия берилган бўлса бола ўз айбини тан олиб ўртага чиқади. Балки гап эшитар, балки унинг отасини мактабга чақирар. Лекин айбини тан олиш ҳолати кўпчиликини танг аҳволдан қутқаради. Яъни бошқалар гумондан ва чақимчиликдан соқит бўладилар. Менимча ҳар бир ота-она боласи бирор айб иш қилганида уни ҳақоратлаб ёки уришиб ташлаши керак эмас. Балки бу ишининг нотўғрилигини, лекин мардларча тан олгани унинг кучли эканлигини албатта айтиб ўтиши керак.

»7

MILLAT TARBIYASIGA MAS'ULMIZ

Албатта, тарихий жараёнларга гувоҳ бўлиш ҳамisha хаяжонли бўлади, лекин унда улкан масъулиятли вазибаларни олиш ундан-да хаяжонли. Мурожаатнома жараёнида давлат раҳбарининг шижоатидан, аёл зотига эҳтиромидан куч олдик, десам муболаға бўлмайди.

Тахлилимча, Президентимиз парламентга мурожаатда «Жамият – ислохотлар ташаббускори» деган янги ғоянинг кундалик фаолиятимизга тобора чуқур кириб бораётганини эътироф этдилар. Бу халқимиз маълум маънода ўз келажагини яратиларга ўзи етакчи ва ташаббускор бўлади, деганидир.

Мен узоқ йиллардан буён ислохотларни ижроси, кузатувчиси сифатида айта оламани, биз аллақачон илм-маърифатга кучли эътибор қаратиш даражасига келиб қолгандик. Президентимиз айтганларидек, илм-маърифатсиз кучайган иқтисодиёт эмас, бизга илм-маърифат билан уйғун ривожланган иқтисодиёт керак. Шу боис ҳам 2020 йилимизни "Илм-маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили" деб эълон қилингани халқимизни ҳам қувонтиргани табиий.

Яна бир қувонарли ҳолат, Президентимиз мурожаатнинг бошидаёқ грант асосида олий таълим олишда қизлар учун алоҳида қўшимча имтиёзлар яратилишини, Хотин-қизлар қўмитаси бу борада номзодлар тайёрлаш тизимини яратиши лозимлигини айтдилар. Тўғриси, олий таълим олишда йигитларимиз учун берилган имкониятларга ҳавасимиз келарди. Қизларимиз учун Зулфия мукофотидан бошқа олий таълимга имтиёз берувчи айнан восита йўқ.

Тўғри, ўтган йилги статистика маълумотларга кўра, олий таълим соҳасида ҳам хотин-қизлар сони ошган ва талабаларнинг 40 фоизи хотин-қизлар бўлган, бу 2011 йилдаги кўрсаткичдан 36 фоиз кўп демакдир. Хотин-қизларнинг саводхонлик даражаси эса 99,98 фоизи, яъни дунёдаги энг юқори кўрсаткичлардан бирини ташкил этади. Шунга қарамай, маълумотларга кўра айни вақтда ўрта таълим олган хотин-қизларнинг фақат 35 фоизи ишлайди, олий таълимга хотин-қизларнинг эса 68 фоизи иш билан таъминланган.

Биламизки, олий таълим олиш имкониятларининг кенгайтирилиши аёллар орасида иш билан таъминланганлик даражасини оширишда муҳим омил. Шунингдек, биз сиёсат ва ҳуқуматда ҳам аёллар сонини оширишга қақаришдан тўхтамаслигимиз керак, чунки аёлларнинг олий таълим олишининг ўзи етарли эмас, аёл қизинг жараёнларда фаол бўлиб намуна кўрсатса мамлакат қизларининг таълим олишга интилиши кучаяверади.

Яна бир фикр, Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида хотин-қизларнинг таълимга қандай эътибор қаратилган? Ёки "Эл-юрт умиди" жамғармаси орқали 2018 йили тўрт турдаги таълим дастури бўйича 375 йигит-қиз хорижий олий ўқув юрларига



“Шунингдек, Президентимизнинг бу топшириғи халқимизнинг “Бир ўғилни яхши тарбияласангиз, бир инсонни, бир қизни яхши тарбияласангиз, бир миллатни яхши тарбиялаган бўласиз”, деган ҳаётий ҳақиқатининг намойиши бўлди.”

ўқишга юборилган бўлса, 2019 йилда таҳсил олувчилар сони 605 кишига етган. Жамғарманнинг 2020 йил учун мўлжалланган таълим дастурида 1000 нафар талабани қамраб олиш белгиланган. Бу квоталарда қизларнинг улуши қандай бўлади?

Хотин-қизлар қўмитаси жамоат ташкилоти сифатида бу жараёнларга фаол аралашмоғи, ўз позицияларини тақдим этмоғи керак. Қизларнинг профессионал фаолият соҳасини танлашни таҳлил қилиш, аниқланган муаммоларни бартараф этиш, аёлларнинг, айниқса ёш қизларнинг қобилиятларини рўёбга чиқариш учун улар қизиқишининг турли йўналишлари бўйича ассоциациялар ташкил этиш юзасидан аниқ таклифларни ишлаб чиқишимиз лозим.

Қизлар таълимини қўллаб-қувватлаш хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий жараёнларда фаол иштирок этишига монелик қиладиган сабаблардан бири «аёл уйда ўтирсин, хотин киши рўзгорига қарасин» қабилидаги ақидаларни парчалашга хизмат қилади, деб ўйлайман.

Бу жараёнларда натижага эришишимизда бизга Президентимизнинг мурожаатномадаги қизлар таълими ҳақидаги фикрлари қанот бўлади. Шунингдек, Президентимизнинг бу топшириғи халқимизнинг “Бир ўғилни яхши тарбияласангиз, бир инсонни, бир қизни яхши тарбияласангиз, бир миллатни яхши тарбиялаган бўласиз”, деган ҳаётий ҳақиқатининг намойиши бўлди.

Мурожаатномада ва бунгача бўлган нутқларида Президентимиз аёллар масаласига тарихда кам қузатилган эътиборни қаратдилар. Масалан, “Ижро

органида, вазирлик ва идораларда гендер тенгликни таъминлаш, муҳтарама опа-сингилларимизга масъул лавозимларни ишониб топшириш бўйича кўп иш қилишимиз керак. Нега деганда, аёлларимиз ҳаётий муаммоларни бошқалардан кўра чуқурроқ билиши, фидойилиги, кучли масъулият туйғуси, меҳнатсеварлиги билан барчага ўрнак бўлади” ёки “Хотин-қизларга эътибор кучаяди. Энди ёрдам манзилли кўрсатилади!” деган фикрлари бежизга айтилгани йўқ.

Мурожаатномада тўхталинган яна бир йўналиш бу оғир шароитли аёлларга ёрдам кўрсатиш, хотин-қизлар бандлигини таъминлашдир.

Президентимиз нутқларида, бу йил хотин-қизлар ва ёшларни қўллаб-қувватлаш борасидаги ишлар янги поғонага кўтарилшини эътироф этдилар. 2020 йилда 5,5 минг хотин-қизнинг кичик бизнес лойиҳасига 100 миллиард сўм миқдорда имтиёзли кредит берилди, бунинг учун банкларга давлат бюджетидан ресурс ажратилди, бундан ташқари, 1 минг 576 хотин-қизга янги уй-жойга эга бўлиши учун бюджет ҳисобидан бошланғич бадал тўлаб берилди. Ижтимоий ҳимояга муҳтож опа-сингилларимизни Хотин-қизлар тадбиркорлик марказларида 5 та муҳим ташаббус доирасида қисқа ўқув курсларида ўқитиш ташкил этилади.

Ушбу имкониятлар ва Президентимиз топшириғига кўра Сирдарё мисолида республика бўйича оғир турмуш шароитида яшаётган хотин-қизлар ҳолатини худудлар кесимида таҳлил қилишни бошлаганимиз. Айниқса, қишлоқ аёллари аҳволининг мунтазам мониторингини олиб бориш ва шу асосда уларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш механизмларини такомиллаштириш чораларини кўряпмиз.

Яна бир фикр, билиб-билмай ёки кўпмак эътибор бермай ўтаётган ҳолатларимиз бор. Масалан, аёллар оилавий иттифоқда шерик, рўзгорда кўпинча ҳақ тўланмайдиган бека. Болалар парваршири, ўзаро муносабатларни соғлом ушлаб туриш, болаларнинг соғлиги, маълумоти даражаси, моддий фаровонлигини аёлларнинг меҳнати белгилайди. Шу маънода аёлга нисбатан жамиятдаги эҳтиром муносабатини оилага ҳам кўчирмоғимиз керак.

Хотин-қизлар қўмитаси Президентимиз мурожаатномасидан келиб чиққан ҳолда, аёлларнинг аҳволи бўйича ижтимоий сўровлар ўтказиш, аёллар бандлигини таъминлаш, аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш, уларнинг сиёсий ва ижтимоий ҳаётдаги иштирокини янада фаоллаштириш, айниқса ёрдамга муҳтож аёлларни қўллаб-қувватловчи нодавлат но-тижорат ташкилотларига ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларига грантлар ажратиш, аёллар масалалари юзасидан парламент эшитувларини ташкил этишга доир таклифларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатига киритиш каби йўналишларда фаолиятини янада кучайтиради.

Элмира БОСИТХОНОВА,
Ўзбекистон Республикаси
Бош вазирининг ўринбосари,
Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси,
сенатор

ANDIJON VILOYATI HOKIMINING 26 YOSHLI O'RINBOSARI NIMALAR QILMOQCHI?

Андижон вилоятида вилоят ҳокимининг ташаббуси билан “Келажақ бугундан бошланади, биз ёшларимизга ишонамиз!” шиори остида ўтказилаётган лойиҳа доирасида 7 нафар лидер ёшлар кенг жамоатчилик ҳулосаси билан 10 кун муддатта ҳокимнинг ўринбосари лавозимига тайинландилар.

Улар вилоят ҳокимлиги ахборот таҳлил гуруҳи томонидан берилган ўн кунлик бошланғич иш режалар асосида фаолият бошладилар.

Андижон машинасозлик институти талабаси Нигора Абдумўминова вақтинчалик Вилоят ҳокимининг хотин-қизлар масалалари бўйича ўринбосари бўлди.

Нигора ўзига берилган 10 кун муддат давомида ажралиш ва эрта никоҳ ҳолатларини олдини олиш, аёллар



бандлигини таъминлаш, опа-сингилларимизни тадбиркорликка йўналтириш, шунингдек, тренинглар ташкил этиш билан банд бўлади.

“Ортимиздан келар бошқалар, кўпроқ бўлар сабри уларнинг...” деган донолар. Кузатамиз, йўналтирамиз, Нигорахоннинг иш натижаларини эса кенг жамоатчиликка маълум қиламиз.

Тошкент вилоятининг Оҳангарон тумани “Ўзбекистон” МФЙ да оилаларда меҳр-оқибатни мустаҳкамлаш, ажримларнинг, шунингдек, аёллар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Oilaviy ajralishlar 11 taga kamaygan

Мазкур тадбирга ҳудудда истиқомат қилувчи ажрим ёқасига келиб қолган оилалар, маҳалла фуқаролари, МФЙ вакиллари жалб этилди.

Давра суҳбатида ибратли оилалар ҳам иштирок этиб, ўзларининг ҳаёт тажрибалари, оилани мустаҳкамлаш сирлари билан ўртоқлашди. Тадбир доирасида ажрим ёқасида бўлган 2 та оила муҳити ва ўзаро муносабатлари мўтадиллаштирилди.

Айтиш керак, туманда ажралишлар сони 2018 йилда 81 тани ташкил этган бўлса, ўтган 2019 йилда 70 та ҳолат

қайд этилган (11 тага камайган).

Аёллар томонидан содир этилган жиноятлар 2018 йилда 14 та бўлса, бу кўрсаткич 2019 йилда 9 тани ташкил этган (5 тага камайган).

Тадбирга туман прокурори Иқбол Қамбаров, туман Хотин-қизлар қўмитаси раиси Насиба Ғофурова, “Оила” маркази раҳбари Ғофур Хусеинов, “Нуроний” жамғармаси раиси Абдуразоқ Уролов ҳамда Халқ қабулхонаси ва сектор вакиллари иштирок этиб, ибратли оила вакиллари китоблар совға қилишди.

FARZANDINGIZ INTERNETDAN TO'G'RI FOYDALANAYAPTIMI?

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Оила” илмий-амалий тадқиқот марказида “Болаларни уларнинг соғлиги ва ахлоқига зарар етказувчи маълумотлардан ҳимоя қилишда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш” мавзусида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди. Унда ўсмир-ёшлар ўртасида компьютер технологиялари ва интернетдан самарали фойдаланишни ташкил этишга қаратилган йўналишлар таҳлил қилинди.



Семинарда юртимизда оила институтини мустаҳкамлаш концепциясини амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси” да белгиланган тадбир ижросини таъминлаш мақсадида марказ томонидан “Ахборот-коммуникация технологиялари ва интернет тармоғининг оила мустаҳкамлиги ва ривожига таъсирини ўрганиш, оилавий турмуш тарзи қадриятларини тарғиб қилиш, оилалардаги салбий ижтимоий

ҳолатларнинг профилактикаси, болаларни соғлиги ва ахлоқига зарар етказувчи маълумотлардан ҳимоя қилишда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш” масалалари бўйича ўтказилган илмий-амалий тадқиқот якунлари муҳокама қилинди.

Тадбирда сўзга чиққанлар ёшлар ўртасида компьютер технологиялари ва интернетдан оқилона фой-

даланишни ташкил этиш, уларда ахборот истеъмоли маданиятини шакллантириш ҳамда болаларнинг соғлиги ва ахлоқига, маънан етук бўлиб улғайишига салбий таъсир кўрсатувчи ахборотлардан ҳимоя қилиш масалалари ҳақида кенг тушунча бериб ўтишди.

Экспертларнинг таъкидлашларича, бугунги кунда юртимизда 23 миллион киши интернетдан фойдаланади. Шундан 10 фоиз болалар ижтимоий тармоққа тобе бўлиб қолган. Бу кўрсаткич кўшни республикаларга нисбатан камроқ фоиздир, бироқ муаммо кўрсаткичда эмас, ундан оқилона, тўғри мақсадда фойдаланишда. Кейинги 7 йил ичида Россия Федерациясида мавжуд салбий ва зарарли сайтлар, ўйинлар таъсирида 10 мингга яқин ёшлар ўз жонига қасд қилган. Афсуски, юртимизда ҳам ёшларни чалғитувчи, эътиқоди ва ақидасига путур етказувчи, беҳаёликни тарғиб қилувчи, ахлоқсизликни тарқатувчи сайтлар кўпайиб бормоқда. Албатта, фарзандларимизни бундай сайтларга кирмаслиги учун оилада қаттиқ назоратга олишимиз, уларга кўпроқ вақт ажратишимиз зарур. Тадқиқотлар шунини кўрсатадики, юртимизда ҳар бир ота-она бир кунда фарзандлари учун 13-18 дақиқагина вақт ажратишар экан. Тарбия бобида қанча вақт сарфласак ҳам оз.

Семинар якунида “Сиз уларга тўғри йўлни танлашни ўргатинг” номли ижтимоий ролик намойиш этилди. “Оила” илмий амалий маркази, бош прокуратура ҳамда соҳага дахлдор қатор вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари, сиёсий партия вакиллари, олий таълим муассасалари раҳбарлари, экспертлар ўтказилган тадқиқотлар ҳақида фикр-мулоҳазаларини баён этиб, тақриф-тавсияларини билдиришди.

Ўз мухбиримиз

RUHIY ZO'RIQISHNING KELAJAKKA TA'SIRI

“Оила” марказига мурожаат қилган келин турмуш курганига бир йил бўлганини ва фарзанди бўлмаётгани учун қайнонаси ҳамда қайнэгачилари яшашга қўйишмаётганини айтиб йиғлади.

Дилдора (шартли равишда исми узгартирдик) Жондор туманидан Бухоро шахрига келин бўлиб тушган. Мурожаатдан сўнг марказимиз ходимлари Дилдора келин бўлиб тушган маҳалла масъуллари билан учрашиб куёв Аминжоннинг оиласи, ота-онаси, оилавий муҳитни ўрганишди. Ҳар иккала томон қудалар билан ўтказилган суҳбатларда аён бўлдики, қайнона Нозира опа биринчи турмуш билан ўртада фарзанд бўлмаганлиги учун 5 йил деғанда ажрашган ва иккинчи турмушдан бу фарзандларини кўрган экан. У фарзанди бўлмаган йилларда чеккан азобларини эслаб юм-юм йиғлади. “Мен келинимгайм, ўғлимгайм ёмонлик истамдим. Чунки менинг биринчи турмуш ўртоғим ҳам бошқага уйланиб фарзандлик бўлдилар. Ўртада чеккан азобларим қолди.” Аёл ҳаётда кўрган, ўзи гувоҳ бўлган ҳақиқатни келини ва ўғлида кўришни устамагани учун шу йўлни мақбул кўрди. Узоқ йиллар давомида руҳий зўриқишлари



унутилмаганлигидан ҳали ҳам азият чекаётган аёлга психологик ёрдам керак, деган хулосага келинди. Нозира опа билан психолог муолажалар узоққа чўзилмади. Келин уйга қайтди. Орадан 5-6 ойлар чамаси ўтганда марказимизга ташриф буюрган Нозира опанинг қувонч чексиз эди. “Дилдора ҳомиладор. Уч ойликдан ўтсин, ишончим қомил бўлсин кейин сизларга раҳмат айтишга келамак дегандим.” – деди аёл қувонч ёшларини тия олмай.

Ҳаёти давомида, хусусан, болалигида номунасоиб шариотлар, турли сабаблар билан руҳий зўриқишлар, маиший зўравонликка учраганларнинг характер хусусиятларида ноҳуш таъсирлар кузатилади. Бугунги кунда психолог-руҳшуносларга бўлган эътиҳам ҳам давр талаби. Оилавий ажрашишлар таҳлил қилинганда аксарият ҳолларда қайнона ўзининг келинлик даврида қайнонасида кўрган азобларини келинида такрорлаш ҳолатлари, куёв ичувчи отасининг хатти-ҳаракатларини, ота-она меҳридан қониқмаган келиннинг жиззакилиги сабаб бўлаётганига гувоҳимиз. Шу боис фарзандларимиз бахтли яшashi, оила деб аталмиш кўрғонга меҳрли бўлиши, сабр-тоқатдан ташқари шуқроналиқни ҳис этиши биринчи галда турмуш қуриш ниятидаги ёшларнинг илк қадамларидан бошланишини унутмайлик. Уларга тўғри ҳаёт йўлини танлашларида ҳаёт тажрибасини кўрган ота-оналар аввало йўлбошчи бўлиши керак. Биз қилган хоталарни фарзандларимиз такрорламаслиги лозим”, деган мулоҳаза ҳар бир ота-она, қайнона-қайнона, амма-хола, амаки – тоғалар қалбига яхшилик уруғи бўлиб қадалсин.

Моҳира ШАКАРОВА,
“Оила” илмий-амалий тадқиқот
маркази Бухоро вилоят бошқармаси
ахборот хизмати раҳбари

YANGI OILALAR UCHUN SOVG'AGA – KITOB

Пойтахтимизнинг Учтепа туманидаги “Истироҳат” маҳалласида олиб борилаётган хайрли ишлар кўпчиликлари тилига тушган. Бунинг сабабини аввало, маҳалла аҳлининг ташаббускорлиги ҳамда оқсоқол ва мутахассиснинг узоқ йиллик тажрибага эгаллигидан англаш мумкин.

Маҳалла фуқаролар йиғинининг хотин-қизлар билан ишлаш ва оилаларда маънавий-ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш бўйича мутахассиси Дилбар Абдуллаева билан суҳбатимиз қизгин кечди. Муносабатлари самимий, оилавий масалаларда босиқлик билан гаплашаётган опанинг фикрлари ёшу кексага манзур бўлмоқда. Ҳам ҳаётий, ҳам малакавий тажрибага эга бўлган тиниб-тинчимас бу опа ҳиссиётга берилмай, муаммони туб ўзагига ўрганади, хулоса чиқаришга шўшилмайди. Зарурат туилганда ҳар икки томонга ҳам бирдек қулоқ солади. Тарозини палласини бирдек ушлаганлиги учун кўпчилик муаммога ечим топишда унинг ёнига келади. Мурожаатчилар хонасидан руҳи енгил бўлиб чиқиб кетишади.

– Бугун ҳукуматимиз томонидан маҳаллаларимизга алоҳида эътибор қаратилмоқда, – дейди Дилбар Абдуллаева. – Аҳоли ўртасида миллий урф-одат, аънава ва қадриятларимизни тарғиб қилиш, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар, яқка-ёғлиз яшаётганлар, ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш, уларга амалий ёрдам кўрсатишда фуқаролар йиғинлари алоҳида ўрин оилаважамият@mail.ru

тутади. Яраштириш комиссияси билан хонадонларга кириб тўйни ихчам ва дабдабасиз ўтказиш бўйича қайнона ва қайноталарга керакли тавсиялар бериб бораёلمиз. Январ ойи бошида маҳалламизда 2 та тўй бўлди. Ҳар иккиси ҳам камтарона чиройли ўтказилди. Айрим жойларда мен сендан кам эмасман қабилида дабдабазорлик ортида ортқича исрофгарчиликлар бўлаётгани. Бундай исрофгарчиликларга чек қўйиш, аҳоли ўртасида ҳаддан ташқари ҳою ҳаваснинг олдини олиш мақсадида маҳалладаги ҳар бир оилга азалдан миллатимизга хос бўлган меҳр-муруватлик, камтаринлик, саховатпешалик каби умуминсоний қадриятларга таянган ҳолда тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар, марҳумлар хотирасига бағишланган тадбирларни ўтказишда исрофгарчиликка йўл қўйилмаслигини оғохлантириб бораёلمиз.

Ўтган йили маҳалламизда 68 тўй бўлиб ўтди. 36 нафар йигитимиз уйланиб, 32 нафар қизимиз турмушга чиқди. Биласизми, маҳалламизда битта яхши аънава бор. Тўйи бўлаётган ўша ёшлар билан самимий суҳбатлар ўтказиш, уларга оила муқаддас даргоҳ эканлиги, уни асраш ўз қўлларидан эканлиги ҳақида керакли тавсиялар бериб, совға тариқасида уларга Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуфнинг “Бахтиёр оила” ва Зиёвуддин Раҳимнинг “Бахтли ҳаёт сари” китобларини совға қиламиз.

Чарос ДЎСТМАТОВА

Баҳор келди-ю Файратнинг устахонасидан аёлларнинг қадами узилмай қолди. Ҳаммасининг муаммоси бир хил. – “Туфлмни тезроқ таъмирлаб беринг, ишга кияман”...

Файратнинг кўли-кўлига тегмайди. Баъзи эркак мижозлар кириб, дўқ ҳам уришади.

– Сиз фақат аёлларнинг оёқ кийимини тuzатасизми, бизникига қачон навбат тегади? Бошқа устага олиб бораилкими, – дейди жahlдор мижозлар.

– Муқаддас, қаердасан? – Файрат шошганича хоналарни бирма-бир қараб чиқди. Хотини ухлаб ётар, ногиронлик аравачасининг устида бир пой этик, биттаси эса ерда ётарди. Файратнинг ичидан муздек тер чиқиб кетди. Хотини этикни кўриб, уни кийиб кўрмоқчи бўлган. Ҳаракат қилган, интилган, ҳатто бир неча марта ерга йиқилиб тушган. Жонсиз оёқларига этикни кийди-ролмагач аламидан



Каралак

– Ўзингиз биласиз, хоҳласангиз ҳув анави чинор тагида ўтирган устага олиб бординг, бекор ўтирибди, менинг ишим кўп, – дейди Файрат ҳам пинагини бузмай.

– Аёллар биздан кўра кўпроқ пул тўласа керак-да, – сўз қотади бир мижоз.

Файрат жилмайиб кўяди. Эркакларнинг туфлисини айлантириб тикишга 8-10 минг олса, аёллар тортишиб-тортишиб 5 минг ташлаб кетади. Пулнинг ярмини берса ҳам майли, яхшилаб таъмирламабсан, деб жанжал кўтаришдан ҳам тойишмайди. Файрат аёллар билан ҳечам тортишмайди. Улар эшигидан кириб келиб кўлига пойафзалини тутказганиданок қандай дид, фаросатга, характерга эга эканликларини билиб олади. Туфлиси кийилган бўлса-да, ҳали ҳам озода, бирор жойида доғ ёки ҳид йўқ аёллар бор. Ёки фалон сўмга олган туфлисини бир ойдаёқ тагидан сув кирадиган қилиб кўядиган исрофгарлари ҳам учрайди. Яқинда Файратнинг ёнига ёшгина бир келинчак келди.

– Бу туфлини хўжайимини туғилган кунимга тўрт юз АҚШ долларига олиб берганди. Икки ойгина кийдим холос, пошнасидан ишдан чиқди. Эҳтиёт бўлиб тўғрилаб беринг, – деб ташлаб кетди.

Файрат туфлини таъмирлаб бўлгунича қора терга ботди. Худди аёлнинг нозик оёқларини ушлаётгандек чўчиди. Эҳтиёткорлик билан туфлини ушлаб, пошнасини тuzатди. Келинчак суюниб, оёнига кийиб кетгач ўзини енгил ҳис қилди.

Қиш фаслида ҳам шунга ўхшаш воқеа содир бўлди. Бир аёл Италиядан минг долларга келтирилган этигини таъмирлашга ташлаб кетди-ю нақ бир ой йўқ, бўлиб кетди. Йўқотиб ёки ўғирлатиб қўймай деган хадикда Файратнинг қон босими ошиб, инфаркт бўлиб қолишига сал қолди. Янги йил арафаси Файрат ўша этикни уйига ташлаб келди. Ишдан қайтиб борса тоқчада этик йўқ. Хотини ҳам кўринмайди.

уларни улоқтирган. Ана, йиғидан қовоқлари қизариб кетибди. Файрат ўзини ичидан койиди. Нега шу этик ўлгурни уйга олиб келдим...

Файрат билан Муқаддас бир-бирларини ёқтириб турмуш қуришди. Уларнинг севгисига ота-оналари ҳам қаршилик кўрсатмади. Муқаддаснинг хомиладорлиги жуда қийин кечди. Шифокорлар туғиш мумкин эмас, буйракка ҳомила оғирлик қиялти, дейишига қарамай, боладан воз кечмади. У қизини дунёга келтирди, аммо ўзи ногирон бўлиб қолди. Буйрак етишмовчилиги касаллиги сабабли ногиронлик аравачасига миҳланди. Қизчасини онаси ўз қарамогига олди. Қайнонаси Файратга Муқаддасни ҳам олиб кетамиз, сиз ҳали ёшсиз, уйларнинг деди. Аммо Файрат хотинидан воз кечмади. У бошига тушган бундай оғир синовга чидайди, аммо Муқаддас кундан-кун сўниб, таслим бўлиб бораяпти. Файрат уни энг малакали шифокорларга кўрсатди. Ҳаммаси дардни енгил аёлингизнинг ўз қўлида, истаса узоқ умр кўради, истамаса шамдай эриб тугайди. Тиббиёт қўлидан келган ёрдамини берди, дейишди. Аммо Муқаддас ҳеч нарсани эшитишни, тушунишни истамайди. Топган гапи шу, яшашни истамайман!

Файрат унинг бу совуқ сўзларидан ҳам, сўник кўзларига боқибдан ҳам чарчади. Аммо начора, чидаши керак. Файрат хотинини бормайман, дейишига ҳам қарамай, устахонасига олиб келди. Хонанинг бир четига ўтиргизиб, оёғини одеял билан ўраб қўйди.

– Вой, аёл киши ҳам қосиб бўладими, – деди бир қиз устахонага кира солиб, Муқаддасдан кўз узмай.

– Ҳа, бўлади, бу опангиз мени шоғирдим, – деди Файрат қизга хотинини таништириб.



Файрат шошганича хоналарни бирма-бир қараб чиқди. Хотини ухлаб ётар, ногиронлик аравачасининг устида бир пой этик, биттаси эса ерда ётарди. Файратнинг ичидан муздек тер чиқиб кетди. Хотини этикни кўриб, уни кийиб кўрмоқчи бўлган. Ҳаракат қилган, интилган, ҳатто бир неча марта ерга йиқилиб тушган. Жонсиз оёқларига этикни кийди-ролмагач аламидан уларни улоқтирган.

– Туфлимнинг гулчаси тушиб қолди. Худди шунақасини ясаб беринг, – деди қиз қувноқ товушда Муқаддасга туфлисини узатиб. Муқаддас қавовла-ниб қолди. Қизнинг қўлидаги туфлисини олиб, Файратга узатди.

– Йўқ, ўзингиз қилиб беринг, – деди худди қиз Файрат билан келишиб олгандек.

Муқаддас бир гап бўлар дегандек, туфлини олиб қолди. Қиз устахонадан кетиши билан Муқаддас эрига энди нима қиламан, дегандек термулди.

– Хоним, оёғингиз жонсиз бўлса ҳам, қўлларингиз, бармоқларингиз сеҳрли. Уларни ишга солинг. Мана бу қайчи, мана бу мато. Муқаддас бир

амаллаб матодан капалакчани ясаб берди. Файрат уни темир кескич билан мустаҳкамлаб, яна хотинига узатди. Унга қандай қилиб туфлини елимлаб, сўнг тикишни ўргатди. Муқаддас кечгача капалак гулли туфлини таъмирлаш билан машғул бўлди. Иккисини ҳам уйга кетгиси келмасди.

– Ассалому-алайкум, Файратжон, устахонага чиройли, ўзига оро берган аёл кириб келди. – Эртага болалар боғчасида байрам, Нилуфаргина рақсга тушади, мана шу туфличасини пошнасини таъмирлаб беринг, укажон. Ҳозир тўғрилаб бермасангиз бўлмайди, – деди аёл ялинган-намо, жилмайиб.

– Хўп, опажон. Ана шоғирдим бекор ўтирибди, беринг, сиз бир айланиб келгунингизча тўғрилаб қўяди.

Муқаддас Файратжоннинг кўрсатмаларига қараб, туфличани таъмирлай бошлади. Уни тугатиши ҳамон боғия аёл кириб келди.

– Умрингиздан барака топинг, фарзандларингизни роҳатини кўринг. Дарду-ғам нелгини билмай яшанг, – аёл Муқаддаснинг қўлларига пул туқказаётди, узундан-узоқ дуо қилди.

Аёлнинг ширин сўзларидан Муқаддаснинг кўнгли яйраб кетди. У самимий сўзлади, юрак-юрагидан дуо қилди. Юраги тоза одамларнинг дуолари ижобат бўлади.

Муқаддас эрталаб барвақт уйғониб, ногиронлик аравачасини гириллатиб ўзи нонушта тайёрлади. Файратни уйғотиб, устахонага тезроқ борайлик, деб шоширди.

– Бу текинхўр эркакнинг дастидан тўйиб кетдим. На рўзгор билан, на болалар билан иши йўқ, топганини ичади. Қишин-ёзин бозорда ўтиравериб, “саратон”ни орттириб олдим. – Иккала боламнинг оёғидаги этиги таъмирланавериб сиёҳи қолмади, – дея дийдиёсини бошлаб юборди эрталабдан устахонага кириб келган аёл.

– Касал бўлсангиз, уйда ўтирсангиз бўлмайми? Поччам бир амаллаб боқиб олади,

– деди Файрат аёлни юпатишга уриниб.

– Уйда ўтирсам касалим баттар бўлади. У бўлса, ҳадемай уласан, ишлаб ол, дейди, юзимга бақрайиб. Болаларимни ўйлаб, яна бозорга чиқиб кетдим. Ҳамма айб ўзимда, бошидан уни талтайтириб юбордим. Яшаб турган уйимизни ота-онам олиб берди. Сўнг машина талаб қилдим. Акам хоналаримизни жиҳозлаб берди. Рўзгоримда нима кам бўлса отамникидан ташдим. Охир-оқибат текинхўрга айланди...

Муқаддас туни билан тўлғониб, ухлолмай ўзини-ўзи койиб қикди. Ўз бахтини ўзи сувларга оқизаётган, яқинларининг меҳрини ўзидан узоқлаштираётган аёлман. Ахир атрофимда ота-онам, мени ҳамиша севиб ардоқловчи ёрим, ширингина қизалогим бор. Нега мен шунчалар ношукрман. Мен ҳаётни, одамларни қадрига етмадим. Шунинг учун ҳам борган сайин дардим оғирлашиб, кўзларим ёруғликини кўрмай, сезмай қоляпти.

Муқаддас эрталаб Файратжонни нонушасини тайёрлаб, ўзи ундан олдин устахонага йўл олди. Қўлига ўлчоғичини олиб, оёғининг ўлчаларини ўлчади. Қайчи ва матоларни олиб, ўлчов бўйича таглик тайёрлади. Файратжон ўргатган усул бўйича туфли ясашга киришди. Роппа-роса бир hafta деганда туфлининг хомакисини тайёрлади. Туфли тайёр бўлгунича икки-уч бора кийиб кўрди. Ҳар гал оёғига кийганида қалбини қандайдир кучли ҳаяжон чўлгаб олар, хаёлан янги туфлини кийиб, чопқиллаб юргандек ҳис этарди ўзини. Туфли тайёр бўлгач Файратжон уни қўлига олиб, бу туфлига бир нарса етишмаяпти, дея ишга киришди. Урик, бодом, шафтоли, олчақ гилосларнинг рангини билраштириб, капалак гулча ясади. Гулчалар тайёр бўлгач, туфлининг икки четига елимлади. Сўнг, қани хоним, нозик оёқчангизни беринг-чи, деди. Муқаддас туфлини кияр экан худди капалакдек учиб кетгиси келди.

VAQTGA BO'YSUNMAY ISHLAYDIGAN AYOL

Оила муқаддас даргоҳ. Ана шу даргоҳдаги тинчлик, бахт ва бир-бирини тушуниш ҳисси жамиятнинг тараққий топишида асос вазифасини ўтайди. Кўпчилик оила ва иш деган сўз ёнма-ён келганида қандайдир ўқиниб қўяди. Сабаби, яхши оилапарвар киши яхши ходим бўлмаслиги, аксинча, яхши ходим эса, оиласига кўпроқ эътибор қарата олмаслиги мумкин. Бироқ, жамиятимизда шундай инсонлар борки, оиласида бахт, ишида масъулият бўлади. Ҳар икки тарафни ҳам бирдай эплаб, мамлакатимиз равнақи учун тиним билмай ҳаракат қилади. Бугун ана шундай бахтли она, нуфузли ташкилот раиси, юзлаб шогирдларнинг устози бўлган Наргиза опа Холбоева ҳақида ҳикоя қиламан.

ҚАШҚАДАРЁ, ҚАЙДАСАН?

Эсимда, 2014 йили вилоятимизнинг энг фаол, аълочи, сараланган ўқувчилари Республика болалар анжуманида иштирок этиш учун Қашқадарёдаги "Лочин" оромгоҳига юбориладиган бўлди. Нокаментарлик бўлса ҳам айтаманки, ана шу ўқувчилар орасида мен ҳам бор эдим. 5-синфлик чоғимда илк бора поездда, Қашқадарё, қайдасан, деб йўл олди. Бизга масъул бўлиб вилоят "Камалак" болалар ташкилоти раиси Наргиза опа бордилар. Бир ҳафта мобайнида бошқа вилоятда бизга қайгуриб, худди онамиз каби меҳрибон бўлган ҳам ана шу опа устозимиз, энг яқин маслаҳатгўйимиз бўлиб қолди. Анжуманининг тўртинчи куни эди чамаси, ҳаво совуқлигини ҳарқалай мазам қочса, бўладими? Кечкурун бўлишига қарамай Наргиза опа етиб келган ва қайгураётгани юзидан билиниб турарди. Ҳа энди, масъул бўлгандан кейин жавобгар-да, десангиз адашасиз. Чунки, опада ўзгача меҳр ва ғамхўрлик бор эди. Бу хотиралар 2014-йилга тегишли. Аммо орадан олти йил ўтган бўлса ҳам, Наргиза опамиз ўзгармади. Ўша-ўша самимият, ўша-ўша меҳр ва камтарлик билан ҳамроҳ бўлиб қолдилар.

БИЗ ҒОЛИБ БЎЛДИК

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи вилоят Кенгашига йўлимиз тушса, албатта, болалар ташкилоти раисининг хонасига киришимиз. Фақатгина баъзи пайтлар навбат етмай қолади. Сабаби, Наргиза опадан маслаҳат олиш учун қанчадан-

қанча инсонлар келади. Уларнинг ичида бизга ҳам вақт ажратишлари эса, ишдаги тартибдан, вақтни тўғри тақсимлашдан далолат беради. 2019-йили Тошкент вилоятидаги "Ёшлар" оромгоҳида "Энг намунали ҳудудий Сардорлар Кенгаши" танлови бўлиб ўтди. Шу танловда ҳар йили қатнашиб, ҳеч натижа қайд эта олмасдик. Лекин, ўтган йили Наргиза опа бошчилигида астойдил тайёргарлик кўрдик. Ўн саккиз нафар ўқувчи бир жамоа бўлиб вилоят шаънини ҳимоя қилиш учун ҳаракат қилаётган эдик. Танловдан олдин эса, турли кўргазмалар, олиб борилган ишларнинг сарҳисоби ва шу каби муҳим ишларни қилиш учун хаттоки, кечкурун ҳам тайёрландик. Соат тунги ўн икки бўлишига қарамай, ўтган йиллардаги мағлубият таъсирида тинимсиз тайёрландик. Ҳеч ўйлаб кўрганмисиз, ким соатга қарамасдан иши битунича меҳнат қилади. Ушундай фидойи инсонлар орамызда кўпмикан. Агар кам бўлса ҳам, мен улардан бирини танийман. У ҳам бўлса Наргиза опадир. Фидойи устозимизнинг меҳнатлари, қолаверса, тунлар билан кўрилган тайёргарликларнинг натижаси билан биз танловда ғолиб бўлдик. Уша пайтдаги Наргиза опанинг кўзидаги қувонч ёшларини кўриб, беихтиёр "Ишонччи оқладик", деб қўйдим. Рес-

Устозимиз ҳақидаги илиқ фикрларни эшитиб, шогирдлар сафидан эканмиздан фахрланиб кетдим. Ниятим, Наргиза опадан кундан кунга кўпайиб бораверсин.



публика бўйича Сирдарё сардорлари тенгсиз деб топилди.

ШОГИРДЛАР ЭЪТИРОФИ

Наргиза опанинг шогирдлари доим юқори натижалар қайд этиб келади. Масалан, уларнинг орасида "Зулфия" мукофотини олганлар ҳам бор. Имтиёзларга эришган ёшларнинг-ку саногий йўқ. Ўтган йили Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг имтиёзига муносиб топилиб, имтихонсиз университет талабасига айланган Хилола Абдуҳақимова ҳам, 27-декабрь куни Президентимизнинг ёшлар билан ўтказган мулоқотида иштирок этган Ўткир Мирзаев ҳам, айни дамда Республика Сардори вазифасини бажараётган Боймурод Юнусов ҳам, "Йилнинг энг яхши ёш журналисти" номига сазовор бўлган Гўзал Муҳаммаджонова ҳам, таъқво спорт тури бўйича жаҳон чемпиони Жавоҳир Давронбеков ҳам Наргиза опани ўзларига энг қадрли устоз деб билишади. Қизиги, спорт мураббийси бўлмас чемпионга қандай устозлик қилиши мумкин, деб ўйласангиз адашасиз. Яхшиси ўзингиз

Жавоҳир аканинг айтганларини ўқиб кўринг. "Спорт соҳасида чемпион бўлган ёшларга ҳаммининг ҳаваси келади. Катта давраларга, йиғилишларга чақиради. Мен учун ғолиб бўлиш қанчалик осон бўлса, ғолиблигим ҳақида интервю бериш, тadbирларда чиқиб нутқ сўзлаш шу қадр қийин эди. Фикримни баён қилишга қанчалик ҳаракат қилсам ҳам нимадир етишмас эди. Бир куни Наргиза опа тadbирда гапириш учун тайёрлайдиган бўлди. Мен ҳам чемпионлар номидан сўзга чиқишим, ёшларга ўз фикрларимни баён қилишим керак эди. Опанинг шунчалик жон куйдириб тайёрлаганлари натижасида фикрларимни жамлашни ҳам, уни баён қилишни ҳам ўрганиб олдим. Наргиза опа менинг ҳам устозим", дейди Жавоҳир Давронбеков.

Устозимиз ҳақидаги илиқ фикрларни эшитиб, шогирдлар сафидан эканмиздан фахрланиб кетдим. Ниятим, Наргиза опадан кундан кунга кўпайиб бораверсин. Устозимиз эса, энг яхши ходим, энг яхши уй бекаси, энг яхши она, энг яхши устоз бўлиб қолаверсин.

Ёрқинжон ҲАЙИТБОЕВ,
Сирдарё вилояти.

"MALIKA" bozoridagi yigitlar qaysi jamiyatning

MAHSULI?

Тошкентнинг "Малика" номи билан машҳур бўлган савдо марказига бориб, у ерда янги бир жамият вакиллари шаклланишига гувоҳ бўлдим...

Тошкентда ўзбек, рус ва хорижий тиллардан ташқари яна бир махсус тилда сўзлашадиган ватандошларимиз борлигини биласизми? Уларнинг тил луғатида қисман ўзбек, қисман рус тилига ўхшаш сўзлар ва яна Куръон калималари билан биргаликда ёзишга уят бўлган сўзлар талайгина.

Уларнинг кўриниши ҳам сиз ва биздан фарқ қилмайди, қисқаса оддий ҳамшаҳарларимиз. Кўча тилида уларни "дух"и баланд йигитлар, дейишади. Кийинишлари энг сўнгги русумда. Аксарият қисми қуюқ соқол қўйган. Юришлари саҳнага чиқаётган репер юлдузларини эслатади. Оғзидан бодиб кириб, шоди чиқадику-я аммо орада "алҳамдулиллаҳ", деб қўйишни ҳам унутмайди.

Бу фанга номаълум бўлган мадани-



ят вакиллари асосан Тошкентда, "Малика" номи билан танилган савдо марказида учратасиз. Агар телефон сотиш ниятида борган бўлсангиз, улар сизни ўлжага ёпирилган ўлаксаҳурлардек ураб олишади. Уларга хос бўлган тилда гаплаша олмасангиз ўлжа бўлишингиз аниқ. Агар вилоятдан Тошкентга энди келган бирор бир юртдош бу бозорга юмш билан тушса, ахволини тасаввур қилаяпман...

Атрофдаги дўконларда ҳам ана шу номаълум "маданият" вакиллари талайгина. Биргина ишлаб чиқарувчи

тегишли техникани бу савдо марказидаги дўконларда турли нархларда учратасиз. Кимдир инсоф билан нарх қўйса, кимдир ўша нархдан ўн баробар қимматроққа пуллайди. Чунки, унда ўша техникани Хитой эмас, Олмонда ишлаб чиқарилганига ва бозор бўйича бундай махсулот фақат ўзида эканлигига ишонтира олиш қобилияти аниқроғи, "дух"и бор. Уларнинг, қуюқ соқоли ва ҳар гапига "Аллоҳ"ни аралаштиришни эшитиб, омадим чолиб инсофли дўкончига учрадим, деб суюниб кетасиз аммо адашганингизни англаб етасиз.

Fikr

Сизни боллаб чув туширишгани эса сиз учун келажақда катта "сабоқ" бўлади.

Бу билан бутун бошли "Малика" бозорини фибригларлар уясига қиёсламоқчи эмасмиз. Бироқ, ўша фанга номаълум "маданият" эгаларини кўпроқ шу бозорда учратишингиз аниқ. Ташқаридан соқолли йигитларни диндорга қиёслайсиз-у ҳар икки гапининг бирида хунук сўкинишларини эшитиб уялгандан ерга кирай дейсиз. Техника нархларини ер билан осмонча фарқ қилиб, ўйнашни кўриб у ердаги савдони ҳалоллигига ҳам шубҳа қиласиз.

Гап соқолда, динда, бозорда ёки "дух"да эмасдир. Ҳамма гап шундай бир ноанъанавий "маданият"ни шакллантирган таълим тизими, оилавий муҳит ўзимизда эмасмикан? Уларда на дин ва на дунёвий илмдан асар борлигига ишониш қийин. Яна шунга ишончимиз комилки, улар ойдан тушмаган, ердан чиқмаган. Улар ҳам ўзимиз қатори маҳалламизда, атрофимизда вояга етган. Яна ҳам аниқроғи, жамиятимиз маҳсули.

А.СОДИҚ
uz.uz

ЭЪЛОН

Юнусобод тумани 11 даҳа, 56-уй, 84 хонадонда яшовчи Салимова Муҳайё Абдувалиевна номига берилган уй кадастр ҳужжати йўқолганлиги сабабли БЕКОР қилинади.



HUNARI BOR ISHSIZ QOLMAYDI



Президентимизнинг "Аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги ишларни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарориди белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида умумтаълим муассасаларида юқори синф ўқувчилари учун касбларнинг асосий хусусиятларини тушунтириш, касб стандартларини ҳамда касбга йўналтириш бўйича махсус курсларни ташкил этиш юзасидан Қашқадарё вилоятида бандлик ва халқ таълими бошқармаларининг ҳамкорлик йўналишлари белгилаб олинган.

танлаган касбга қизиқишларини янада оширади.

Ҳамкорликдаги илк қадам Қарши туманидаги 4-ўрта мактабда халқ таълими бошқармаси ўқувчиларини касб-хунарга йўналтириш, психологик-педагогик шўъбаси мудири Алмира Мейлиева ҳамда бандлик бошқармаси ўқув маркази бўлим бошлиғи Рашид Тўйчиевлар иштирокида дастурнинг мазмун-моҳияти ҳақида ўқувчиларга

халқаро ҳамкорлик агентлиги (KOICA) ҳамкорлигида ишсиз ва банд бўлмаган аҳолини касб-хунарга ўқитиш маркази иш бошлаган эди. Эндиликда ушбу марказ ёшларни касбга йўналтирибгина қолмай, иш билан банд бўлишини ҳам таъминламоқда. Худудлардаги аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказларининг йўлланмаси билан ўқишга қабул қилинаётган ёшлар турдош касбларга эга бўлишяпти. Тингловчиларнинг касбга бўлган қизиқишларини ошириш учун барча шарт-шароитлар яратилган. Ўқув марказида тикувчилик, тўкувчилик, компьютер хизмати, металл ишлов бериш, электромонтёрлик каби касблар бўйича ўқитилиб, хунар ўргатилмоқда. 2019 йил бу ерда ўқишга қабул қилинган 480 нафар ўқувчиларга танлаган касблари бўйича дипломлар топширилиб, уларнинг 462 нафари ишга жойлаштирилди.

– **Соҳа ходимлари учун қандай қулайликлар яратилляпти?**



кенг тушунтирилди. Шунингдек, Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги (KOICA) Шахрисабз шаҳрида фаолият кўрсатаётган ишсиз ва банд бўлмаган аҳолини касб-хунарга ўқитиш Марказининг тузилмаси ҳақида ҳам атрафлича тушунча берилди. Утган қисқа мuddат ичида Нишон, Ғузор, Яккабоғ туманларида ўтказилган машғулотлар ўқувчиларда катта қизиқиш уйғотиб, танлаган касбларига бўлган иштиёқларини янада оширди. Бундай самарали тадбирлар нафақат шаҳар ва туманларда балки, чекка қишлоқ ҳамда олис тоғли худудларда жойлашган умумтаълим мактабларида ҳам ўтказилиши белгиланган.

– **Айни пайтда ишсиз ва банд бўлмаган аҳолини касб-хунарга ўқитиш борасида қандай тўхталсангиз?**

– 2018 йилнинг кузида илгариги собиқ "Хужум" бадий буюмлар фабрикаси биноси ўрнида Корея

ярмаркалари ўтказилиб, 95 та корхона ва ташкилот 620 та бўш иш ўринлари билан қатнашди. Иш билан банд бўлмаган 3813 нафар фуқаронинг 1600 нафари халқ хўжалигининг турли тармоқларига ишга жойлаштирилди. 2218 нафар "ишсиз" деб эътироф этилган фуқароларнинг 305 нафарига ишсизлик нафақаси тайинланиб, 1638 нафари жамоат ишларига жалб этилди. 259 нафар фуқароларга касбга ўқитиш учун йўлланмалар берилди.

– **Худудий меҳнат бозорини таҳлил қилиш, бандлик дастурларини шакллантириш ва мониторинг қилиш бўйича қандай ишлар амалга оширилмоқда?**

– 2020 йил олдимизда улкан вазифалар турибди. Жорий йил вилоятимиз бўйича 21018 та доимий янги иш ўринларини ташкил этиш бўйича курсаткичлар тасдиқланди. Шундан 1696 таси йирик лойиҳалар ва бюджет маблағлари ҳисобига яратиладиган иш ўринлари, 10 564 таси кичик корхона ва микрофирмаларда ташкил этиладиган иш ўринлари, 8758 таси оилавий ва яқка тартибдаги тадбиркорликни ташкил этиш ҳисобига иш ўринларини яратиш кўзда тутилган. Жорий йилнинг 1-чорагида эса 3787 та янги иш ўринларини ташкил этиш режалаштирилган.

Туманлардаги аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари томонидан 30023 нафар фуқароларга хизматлар кўрсатилади. Шундан 15 972 нафарини иқтисодиётнинг турли соҳаларига ишга жойлаштиришга кўмаклашиш, 7282 нафарини жамоат ишларига жалб этиш, 3994 нафарини касбга қайта ўқитиш ва малакасини ошириш, 1824 нафарига субсидия маблағларини ажратиш ҳамда бандликка кўмаклашиш жамғармасидан бериладиган кредит маблағларини ажратиш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш режалаштирилган.

Ҳали олдимизда қилиниши лозим бўлган ишлар кўлами кенг. Фаолиятимизни самарали ташкил этиб, зиммамиздаги улугвор вазифаларни бажариш учун бор куч ва имкониятимизни ишга солсақ, аҳоли фаровонлигини янада яхшиланишига, бу каби эзгу ишларнинг изчил давом этишига муносиб ҳисса қўшган бўламиз.

Шавкат СУЛТОНОВ,
"Оила ва жамият" муҳбири.

Бундан кўзланган асосий мақсад ўрта мактабни битираётган ёшлар жамиятда ўзлари қизиққан касбни танлаш орқали мутахассисликни эгаллаб, келгусида ўз йўналишлари бўйича фаолиятларини давом эттириш назарда тутилган. Бу борада 2019-2020 ўқув йилининг 3-чорагидан бошлаб битирувчи синф ўқувчилари учун ҳафтанинг маълум бир кунини "Касбга йўналтириш соатлари"ни ташкил этиш бўйича аниқ жадвал ишлаб чиқилиб, битирувчилар учун касб-хунарга йўналтириш бўйича махсус ўқув машғулотлари ташкил этилмоқда. Вилоят бандлик бошқармаси мутахассислари "Касбга йўналтириш соатлари"да машғулотларнинг мазмун-моҳиятини ўқувчиларга тушунтириб боришмоқда.

– **Касбга йўналтириш соатлари**да битирувчиларнинг ёшлиқда эгаллаган билим ва касблари уларнинг келгуси ҳаёти ва иш фаолиятида муҳим ўрин тутаяди, – дейди вилоят бандлик бошқармаси бошлиғи Сарвар Аҳмедов. – Қолаверса, бугун меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касбларни ёшларимиз ўзлари англаган ҳолда танлаши, бу танлов ҳар бир йигит-қизнинг ҳаётида нечоғлик аҳамият касб этишида амалий ёрдам кўрсатилмоқда. Ёшларнинг касб эгаси сифатида шаклланиш босқичлари бўйича тасаввурларини янада бойитиш мақсадида маҳорат дарслари, тренинг ва семинарлар ташкил этилади. Бу борада қилинган ишлар оммавий ахборот воситаларини, ижтимоий тармоқлар орқали аҳолига етказилиши битирувчилар ўртасида

– **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Туман (шаҳар) аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан Нишон, Китоё, Чироқчи, Ғузор, Қамаш туманларида аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказларининг замонавий бинолари янгитдан қурилганлиги соҳада туб ислохотларнинг амалга оширилаётганлигини далил қилиб беради.** Шунингдек, Қарши шаҳри, Чироқчи, Шахрисабз туманларида "Вақтинча бир марталик иш билан таъминлаш бюро"си бинолари фойдаланишга топширилди. Бир неча йил ўзининг маъмурий биносига эга бўлмаган Яккабоғ туманининг замонавий бинода фаолият бошлагани аҳоли ва ишчи ходимлар учун янада қулайлик яратди. Утган йили туманда 6 маротаба "Бўш иш ўринлари" меҳнат



Oila va jamiyat
Ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газета

Обуна индекси – 176

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, "Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш" ассоциацияси (Болалар жамғармаси) ва "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди

Бош муҳаррир в.б.: Акбар ҚАРШИЕВ

МАНЗИЛИМИЗ:
Тошкент – 100000.
Амир Темура кўчаси
1-тор кўча, 2-уй.
Қабулхона: (факс) 233-28-20,
Котибият: 233-04-35, 234-76-08
E-mail: oilavajamiyat@mail.ru
Web-site: oila-va-jamiyat.uz

Газета 2007 йил 11 январдан Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0169 рақами билан рўйхатга олинган. Буюртма Г – 136. Формати А-3, ҳажми 2 табоқ. Адади – 2027. Баҳоси келишилган нархда.

Босишга топшириш вақти – 15:00
Топширилди – 15:00
ISSN 2010-7609
Навбатчи: Б. Исмоилов
Мусахҳиҳ: С. Сайдалимов
Саҳифаловчи: А. Маликов

Газета таҳририят компьютер марказида тартибга солинган ва саҳифаланди.
1 2 3 4 5